

ТАДБИРКОРЛИКНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА АХБОРОТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ

Асосий тушунчалар

Лицензия — лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (хукук);

Фаолиятнинг лицензияланаётган тури — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият тури;

Лицензиялаш — лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш жараёни билан боғлиқ тадбирлар комплекси;

Лицензия талаблари ва шартлари — фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошираётганда лицензиат томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартларнинг мажмуи;

Лицензияловчи органлар — қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялашни амалга оширувчи махсус ваколатли органлар;

Лицензия даъвогари — лицензияловчи органга фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган юридик ёки жисмоний шахс;

Лицензиат — фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш лицензияси бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

Лицензия шартномаси — фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензиатнинг лицензия олиши ва ундан фойдаланиши борасидаги лицензияловчи орган билан лицензия даъвогари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган ва улар ўртасида тузиладиган шартнома;

Лицензиялар реестри — берилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган лицензиялар, шунингдек амал қилиши тугатилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган Лицензияловчи органларнинг маълумотлар базалари мажмуи.

Лицензиялаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

Лицензиялаш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда лицензияловчи органлар амалга оширади.

Лицензияловчи органларнинг ваколатлари

Лицензияловчи органларнинг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- фаолиятнинг айрим турларини қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялаш;
- қонунда назарда тутилган ҳолларда фаолиятнинг тегишли турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- лицензия талаблари ва шартларига лицензиатлар риоя этишини назорат қилиш;
- лицензияларни қайта расмийлаштириш;
- лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш;

- лицензияларнинг амал қилишини тугатиш;
- лицензияларни бекор қилиш;
- лицензиялар реестрини юритиш.

Лицензияловчи органлар шу органлар лицензиялайдиган фаолият турлари билан шуғулланаётган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар тузишга ёки улар фаолиятида муассислар (қатнашчилар) сифатида иштирок этишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фаолиятнинг лицензияланадиган турларини аниқлаш

Фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари киради.

Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари қонунлар билан белгиланади.

Давлат унитар корхоналари ва муассасалари томонидан фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан ташкил этилган давлат унитар корхоналари ва муассасалари, башарти Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларида фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш назарда тутилган бўлса, фаолиятнинг мазкур турларини тегишли лицензияни олмасдан амалга оширишга ҳақлидир. Мазкур қоида кўрсатилган корхоналар ва муассасаларни лицензия талаблари ва шартларини, шунингдек фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш билан боғлиқ, қонун ҳужжатларига мувофиқ қўйиладиган бошқа талабларни бажаришдан озод этмайди.

Лицензияларнинг турлари:

- Лицензиялар намунавий (оддий) ва якка тартибдаги бўлиши мумкин.
- Намунавий (оддий) лицензиялар жумласига чекланмаган доирадаги юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган лицензиялар киради, агар ушбу шахслар тегишли фаолият турини амалга оширишга нисбатан қўйиладиган ягона шартлар ва талабларга жавоб берсалар.
- Якка тартибдаги лицензиялар жумласига юридик ва жисмоний шахсларга алоҳида талаблар ва шартлар асосида бериладиган, лицензиатларга фаолиятнинг мазкур турини амалга оширишда мутлақ ҳуқуқлар берувчи, миқдорий чекланган лицензиялар киради. Якка тартибдаги лицензиялар амал қилиш ҳудуди, фаолият объекти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган бошқа асосларга кўра миқдорий чекланади.
- Якка тартибдаги лицензияларни бериш, қоида тариқасида, танлов (тендер) асосида амалга оширилади.
- Якка тартибдаги лицензияларни бериш тартиби ва шартлари, шу жумладан танловларни (тендерларни) ўтказиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Лицензия талаблари ва шартлари

Фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишда рўйа этиладиган лицензия талаблари ва шартлари фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомлар билан белгиланиб, улар қуйидаги нормаларни ўз ичига олиши лозим:

- лицензиатнинг қонун ҳужжатларига риоя этиши шартлиги тўғрисидаги;
- фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишга даъвогар шахсларга қўйиладиган малака талаблари, жумладан махсус билимларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги;
- фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишнинг махсус шартларига қўйиладиган талаблар, жумладан фойдаланиладиган моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар, бошқа техник воситаларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларда лицензияланаётган фаолият тури хусусида қўшимча лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

Лицензия олиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар

Лицензия олиш учун лицензия даъвогари тегишли лицензияловчи органга қуйидагиларни тақдим этади:

- лицензия бериш тўғрисидаги ариза — унда: юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисобварағи рақами; жисмоний шахс учун — фамилияси, исми ва отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг маълумотлари; юридик ёки жисмоний шахс амалга оширишни мўлжаллаган фаолиятнинг лицензияланаётган тури (унинг бир қисми), шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда фаолиятнинг мазкур тури;
- юридик шахслар учун — юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун — яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиқиши учун лицензия даъвогари йўғим тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- фаолиятнинг айрим турига лицензия олиш учун қўйиладиган талаблар ва шартларни лицензия даъвогари бажариши мумкинлигини тасдиқловчи ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа ҳужжатлар.
- Лицензия даъвогаридан ушбу Қонунда ҳамда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги ўзга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.
- Ҳужжатлар лицензия даъвогари томонидан лицензияловчи органга бевосита ёки почта алоқаси воситалари орқали, улар олингани ҳақидаги тасдиқни олган ҳолда, етказиб берилади.
- Лицензия олиш учун тегишли лицензияловчи органга юборилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилиниб, рўйхатнинг нусхаси мазкур орган томонидан ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана кўрсатилган ҳолда аризачига юборилади (топширилади).
- Нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тақдим этганлиги учун лицензия даъвогари қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш билан бир вақтда тегишлича, адлия органлари ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан амалга оширилади.

Зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ариза-хабарнома топширилган санадан бошлаб давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома бериш билан тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишгача бўлган муддат 2 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатни ташкил қилади.

Барча тадбиркорлик субъектлари учун давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун куйидагилар асос бўлади:

- тегишли бўлмаган рўйхатга олиш органига мурожаат қилиш;
- мазкур Низомда кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганлиги.

Тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун яна куйидагилар асос бўлади:

- таъсис ҳужжатлари ва муҳр ҳамда штамп эскизларида кўрсатилган фирма номининг фирма номининг захирага олиниши тасдиғида кўрсатилган фирма номига мос келмаслиги;
- таъсис ҳужжатлари ва муҳр ҳамда штамп эскизларида кўрсатилган ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг -Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шакл турларига мос келмаслиги;
- таъсис ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан таъқиқланган фаолият турларининг кўрсатилиши.

Рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидалари (статистика хос рақамлари, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) берилиши, муҳр ва штампни тайёрлашга рухсатноманинг расмийлаштирилиши) тугагандан кейин юридик шахсни ташкил этган барча тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юридик шахсларнинг давлат реестрига киритилади

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

• Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун ариза берувчи (муассис ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ муассислар томонидан вакил қилиб тайинланган шахс) рўйхатдан ўтказувчи органга шахсан келиб ёки почта орқали мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шаклдаги ариза-хабарнома тақдим этади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза-хабарномага:

- давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг икки асл нусхаси (юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжатлари — устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёки фақат таъсис шартномаси, бунда масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун — таъсис шартномаси ва устав, тўлиқ ва коммандит ширкатлар учун эса — фақат таъсис шартномаси, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликлари учун — фақат устав). Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилади;
- давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати (деҳқон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизда ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларидан ташқари);
- фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирма номи захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва парол (кейинги ўринларда — фирма номининг захирага олиниши тасдиғи);
- уч нусхада муҳр ва штамп эскизлари илова қилинади.

**Фуқаролар билан ишлаш Шаҳар ва туманларда ташкил этилган Ягона
дарча марказларида амалга оширилади**

№	Шаҳар ва туман номи	Марказ раҳбари	Манзили	Телефон рақами	Электрон манзили
1.	Самарқанд шаҳри	Шодибоев Сухроб Ҳазратқулович	Амир Темур, 17 уй	233-96-52	yagonadarchasam@umail.uz
2.	Каттақўрғон шаҳри	Абдуллаев Шавкат Акбарович	Амир Темур, кўчаси, 4 уй	456-17-82	kattakurgan_darcha@umail.uz
3.	Самарқанд тумани	Мисиров Фуркат Фарходович	Гулобод қўрғони, туман ҳокимлиги биноси	612-52-15	samtuminspeksiya@umail.uz
4.	Булунғур тумани	Шадиёров Сухроб Суръатович	Фозил Йўлдош кўчаси, 36 уй	442-23-01	shohjahon_86@inbox.uz
5.	Жомбой туман	Номозов Мухиддин Абдурасулович	Мустақиллик кўчаси, 2 уй	475-22-85	yadm.jomboy@inbox.uz
6.	Иштихон тумани	Умиров Жамшид Тахирович	Иштихон кўчаси, 4 уй	629-16-91	ishtixon.markaz@inbox.uz
7.	Каттақўрғон тумани	Эгамбердиев Ўткир Исмоилович	А.Навоий кўчаси, 1 уй, 1-корпус	414-14-10	abdurasulov1975@inbox.uz
8.	Нарпай тумани	Аллаяров Жамшид Рустамович	Октош шаҳар. А.Навоий кўчаси. 64 уй	432-33-23	odil_20@inbox.uz
9.	Нуробод тумани	Мусурмонов Гайрат Тураевич	Мустақиллик кўчаси, 2 уй	633-21-35	gayrat_003@inbox.uz
10.	Оқдарё тумани	Нарзуллаев Ислом Усмонович	Лойиш шаҳарчаси. А.Темур кўчаси, 9 уй	492-59-83	203yagona_darcha@inbox.uz
11.	Пайариқ тумани	Суванов Дилшод Мамарахимович	Самарқанд кўчаси, 50 уй	425-27-14	payreg@inbox.uz
12.	Пастдарғом тумани	Суванов Бахтиёр Примқулович	Жума шаҳри Ҳ.Олимжон кўчаси. 15 уй, 1-қават	465-15-73	pastdargom_uz@inbox.uz
13.	Пахтачи тумани	Жуманов Суннат Разакович	Зиёвуддин шаҳарчаси. Истиқлол кўчаси, 59 уй	403-22-30	sunnat82@inbox.uz
14.	Тайлоқ туман	Зайниев Низом	А.Темур кўчаси, 22 уй	666-55-22 666-50-72	tayloqyagonadarcha@umail.uz
15.	Қўшрабат туман	Холбеков Юсуфбек	Ғафур Ғулом кўчаси, 3 уй	646-12-25	qushrhokimligi@inbox.uz

		Абдуллоевич			
16.	Ургут тумани	Саломов Умиджон Шарофович	Навоий шоҳ кўчаси, 104-уй	483-06-03	urgyagdarcha@inbox.uz)